



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА КАВРАК ЕТИШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САНОАТЛАШТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. 2022 — 2026 йилларда яйлов эр майдонларида каврак плантациялари барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.Фаниев, Қўмиита (Б.Қ.Шарипов), Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилган ҳолда, мазкур прогноз кўрсаткичларининг ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

5. Қўмиита Уюшма билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг каврак ўсиши учун қулай иқлим шартносларига эга худудларда кавракни қайта ишловчи корхоналар, каврак йиғиш ва етиштириш билан шуғулланувчи ва етиштириш (жисмоний шахслар) ва каврак кўчатчилиги ҳужаликлари кооперациясига асосланган каврак етиштириш кластерлари (кейинги ўринларда — каврак етиштириш кластерлари) ташкил этилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, каврак етиштириш кластерларини ташкил этиш шартнослари асосида амалга оширилади:

Қўмиита, Уюшма ва ташаббускорлар ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи шартнома тузилади;

ташаббускорга яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолатини яхшилаш, ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини сақлаб қолиш, уни маданий усулларда қўлайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация усулида каврак хом ашёсини йиғиш, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришга оид мажбуриятлар юкланади.

Қўмиита мазкур талаблар асосида салоҳиятли инвесторларни жалб этишга шахсан масъул ҳисобланади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 майдан бошлаб:

а) Қўмитанинг доимий эгаллигидаги ер майдонларида:

ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини гамлаш (йиғиш) учун квоталар Қўмитанинг бюрт-масига кўра, тўлов эвазига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳулосаси асосида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади;

мазкур квоталар доирасида ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлиги хом ашёсидан махсус фойдаланиш учун ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини четта олиб чиқиш учун рухсатномалар Қўмиита томонидан берилади. Қўмиита ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини гамлаш (йиғиш) ва четга олиб чиқиш учун рухсатномалар ажратилмайдиган квотанинг камида 50 фоизи ҳажмида маданий плантацияларни барпо этиш шартли билан берилади;

б) Қўмиита каврак маҳсулотлари бозор конъюктураси ва ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилади, шунингдек, экспорт ҳажмлари мониторингини юридаги ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспорт ҳажмини ошириш учун масъул ҳисобланади.

Қўмиита Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бунда, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни асраб-авайлаш, уларни қайта тиклаш ва популяциясини кенгайтириш ҳамда ноқонуний йўл билан йиғишнинг олдини олиш чоралари ҳам назарда тутилади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фанлар академияси билан биргаликда ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини гамлаш (йиғиш) учун квоталар Қўмитанинг бюрт-масига кўра 2022 йилда 10 майгача, келгуси йилдан ҳар йилнинг 1 февралигача тасдиқланишини таъминласин.

8. Қўмиита ва Уюшманинг:

а) Қўмитанинг доимий эгаллигида бўлган ер майдонларидаги каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун хорижий фуқаролар ва юридик шахслардан олинмайдиган тўлов микдорини:

"Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби"га киритилмаган каврак ширасининг (елим) 1 килограмми учун тўрт бараварга ошириш;

б) амалдаги тартибга кўра, каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун хорижий фуқаролар ва юридик шахслардан ундирилиб, тегишинча тақсимланадиган суммаларни сақлаб қолиш;

в) мазкур бандга мувофиқ каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун ошпирилмаётган тўлов ундиришнинг олинган маблағларини Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармаси махсус ҳисоб рақамига ўтказиш, улардан 50 фоизини Қорақўлчиликни ривожлантириш Мўйноқ туманини ривожлантириш жамғармасига йўналтириш ҳамда 50 фоизини Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармасида қолдириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Белгилансинки, Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармаси каврак ўсимлигидан фойдаланганлик учун

оширилаётган тўлов ундиришдан олинган маблағларни:

каврак етиштириш кластерлари иштирокчиларига худудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга субсидиялар бериш;

ташкил этиладиган маданий плантациялар учун ер майдонларини тайёрлаш, каврак кўчатини харид қилиш ва экиш харажатларининг бир қисmini қоплашга субсидиялар бериш;

каврак етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологиялар, инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этиш учун субсидиялар бериш;

Қўмитанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчи ходимларни моддий ва ижтимоий рағбатлантиришга йўналтирилади.

Қўмиита икки ой мuddатда каврак етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига субсидиялар бериш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 майдан бошлаб уч йил давомида:

каврак етиштиришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солик) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этадиган тадбиркорлик субъектларидан олинмайдиган фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоиз микдорда қўлланилади;

каврак ўсимлигини етиштирувчилар ва унинг хом ашёсини қайта ишловчи корхоналар томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича хориждан импорт қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитуралар боғжона боғидан озода этилади. Бунда, импорт қилинадиган товарларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши тўғрисида экспертиза ҳулосаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурдаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК томонидан берилади;

б) Қўмиита Уюшма билан биргаликда жун ва каврак маҳсулотлари (ТИФ ТН бўйича 5101-5109, 5602, 570110, 5701109, 1301 90 0000 қолдари) экспорт ҳажмлари мониторингини юридаги ва ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ошириш чораларини кўради.

11. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қўмиита ва Уюшманинг 2022 йил 1 майдан 5 йил мuddатга каврак ўсимлиги уруғларининг республикадан олиб чиқилишига рухсатномалар бе-

рилишини тўхтатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг чегарасига яқин худудларда каврак етиштириш кластерлари томонидан каврак шираси ва уруғини йиғиб олиш учун шароит яратиш юзасидан таклиф киритсин.

13. Қўмиита, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг:

Уюшма тизимидаги субъектларда мавсумий ишчиларнинг тўлиқ бир мавсум ишлаган даврини уларга пенсия тайинлаш учун қонунчилик ҳужжатларида тасдиқланган, бир йиллик меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар рўйхатига киритиш;

2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январгача Уюшма тизимидаги субъектларда фаолият олиб бораётган мавсумий ишчилар учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз микдорда ундириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банднинг учинчи хат-босидадан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қўнун лойиҳасини Олий Махлис Қонунчилик палатасига киритсин.

14. Қўмиита Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини асраб-авайлаш, уларни қайта тиклаш ва популяциясини кенгайтириш ҳамда ноқонуний йўл билан каврак йиғишнинг олдини олиш чораларини кўриб босин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Қўмиита икки ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг раиси Б.Қ.Шарипов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 27 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

мазкур қарор доирасида моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги хизматлари "Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси томонидан биржа савдоларидан харид қилиш ва (ёки) етказиб беришчиларнинг энг яхши таклифларини танақуш усули орқали етказиб берилади ва кўрсатилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштирувчи, қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга (бундан "Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси мустасно) қарз маблағлари уларни қайтасолиқ хатарини сугурта қилиш бўйича сугурта полиси тақдим этилгандан сўнг ажратилади.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича комиссия 1-иловага мувофиқ тарихида тузилинсин.

Қўйидагилар комиссиянинг (Ж.А.Ходжаев) вазифалари этиб белгилансин: қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун қарз маблағларини ажратилмайдиган йўналишлар ва лойиҳаларни белгилаш;

"Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг етказиб беришчиларини танақуш;

"Агросервис оператор" давлат унитар корхонаси ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қарз маблағларидан самарали ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли мониторинг ишларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатишга давлат-хусусий шериклик шартномалари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартарф этиш бўйича Ҳуқумат таклифлар киритиб бориш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хайитов) ҳамда Богдорчилик агентлиги (Х.М.Каримов):

а) Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта мuddатда мазкур қарор доирасида назарда тутилган қарз маблағларини ажратиш бўйича намунавий шартнома шакллари ишлаб чиқсин;

б) Қорақўлчиликни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 27 апрель

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Шу муносабат билан Олий Махлис Сенатида Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, вояга етмаганларни нисбатан номмақбул ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш масалаларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Унга ҳуқуқни

қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ҳамда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган.

Бундан ташқари, барча ишларни ўз ичига олган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Эътиборлиси, уни амалга оширишга ихтисослашган фаолият билан шуғулланмаётган нодавлат ношаркат ташкилотлари ва мустақил экспертлар жалб этилади. Шу муносабат билан ташкилотларнинг ННТ, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар ва мутахассисларни ишчи гуруҳ фаолиятида фаол қатнашишга чақирмоқда (senat14@exat.uz, qonunchilik@senat.go.uz).

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Жорий йил январь — март ойларида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига генпрок жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида янги иш ўринларини яратишнинг прогноз параметрлари ва уларнинг ҳар ойлик ижроси халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинган.

55 фоизи норасмий банд бўлганлардир. Шу сабабли шу каби янги иш ўринлари солиқ органи маълумотлари базасида қайд этилмаган.

Хусусан, ишсиз ва чет элдан қайтиб келган 72,8 минг фуқаронинг мавжуд бўлиш ўринларига жойлаштириш таъминланган.

Вазирлик ва идоралар томонидан ташкил этиладиган янги иш ўринлари манзилли рўйхатларини шакллантириш тўлиқ охирига етказилмаган.

Туризм ва у билан боғлиқ хизмат кўрсатиш лойиҳалари доирасида ташкил этилган янги иш ўринлари бир вақтнинг ўзига худудий инвестиция дастури лойиҳаларида ҳам тақдоран кўрсатилган.

Банд қилиб қўйилган иш ўринларига ижтимоий муҳофазага муҳтож 9,5 минг фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича электрон аукцион савдолари юзасидан етарли равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмаганини сабабли уларнинг ажратилиши кутулган натижани бермаган.

Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги умумий оқватланиш корхоналарида ўтказилган сурвонмага натижаларига кўра, мазкур соҳада ишловчи ходимларнинг қарий

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ МУҲОКАМАЛАРДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ёшлар муаммоларини маҳаллабай механизми асосида тизимли бартарф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини баҳолаб бориш мақсадида "Ёшлар дафтари" электрон платформаси ишга туширилган ва 8,4 миллиондан зиёд ёшлар тўғрисидаги маълумотлар асосида "Ёшлар баланси" шакллантирилган, мавжуд 9 минг 348 та маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти ташкил этилган.

Махаллий ҳокимият вакиллари органи фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия йиғилишида яли мажлисга киритилган Андижон вилояти ҳокимининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар ҳақидаги ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ҳисобига доимий даромад манбаини яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Айни пайтда вилоят бўйича 54,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилган.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига иш топишга ёрдам сураб муурожаат қилган 72,4 минг нафар фуқаронинг 68 фоиздан ортмиги иш билан таъминланган.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадини ошириш мақсадида олиб бориладиган тадбирлар натижасида ишсиз, даромади паст бўлган оилалар ҳамда парранда боқиш истагидаги қарий 18 мингта хона-

донда 2 миллион бош парранда боқиш йўлга қўйилган.

Худудларда маҳаллабай ишлаш тизимини самарали олиб бориш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ортда қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси юқори бўлган 210 та маҳалла танақуш олиниб, аҳоли даромадини ошириш бўйича 4 та йўналишда иш ташкил этилган.

Вилоятда "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари"га киритилганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 14,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Уй-жой этиб олиш учун ипотека кредитларининг бир қисминини Давлат бюджети маблағи ҳисобидан қоплаш мақсадида 1,1 минг нафар фуқарога субсидия маблағлари тўлаб берилган.

Сенаторлар томонидан худудда ишсиз аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва улар бандлигини таъминлаш, хусусан, еттиҳажанд аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитасининг мажлисида дастлаб 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил 1 чорагадиги ижроси якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, аҳоли саломатлиги ва генфондидаги зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартарф қилиш мақсадида атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини

баҳолаш механизмларини такомиллаштириш атроф табиий муҳитни кузатиш, прогноزلаш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манба-лар ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири мониторингини амалга ошириш мақсадида давлат экологик мониторингини ўтказиладиган ҳужалик юритувчи субъектлар рўйхати шакллантирилган.

Унга асосан атроф-муҳит мониторингини доирасида худудий таҳлил лабораториялари томонидан 385 та корхонанинг 1 минг 160 та манбасида мониторинг амалга оширилиб, унинг натижасига кўра, 80 та объектининг 110 та манбаида мейёрдан ортган ҳолатлар кузатилган. Чидқинлар билан ишлаш соҳасида Андижон вилоятида 7 та, Тошкент вилоятида битта умумий қиймати 245,1 миллиард сўм бўлган маъиший чидқинларни ташкил, саралаш ва қайта ишлаш бўйича давлат-хусусий шериклик битимлари имзоланган.

Республика худудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида чў худудларда, жумладан, Орол денгизининг қурган туби ва Оролбўйи минтақасида "ашилл қопламалар" барпо этиш ишлари олиб борилиб, бугунги кунга қадар Мўйноқ тумани, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари худудларида жами 55 минг гектар майдонда химоя ўрмонзорлари яратилган. Ўрмон ҳужалиқлари томонидан 1 миллион 633 минг гектар майдонда доривор ўсимликларнинг маданий плантациялари ташкил этилган.

Мажлисда Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда рақамлаштириш ва инновацион ёндашувларни амалга ошириш

«Халқ сўзи».

# Қўмита аъзоларининг эътироз ва танқидига сабаб бўлди

Бундан ташқари, имтиҳон натижаларига кўра, талабалikka тавсия этилмаган, бироқ табақалаштирилган тўлов-шартнома асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар учун онлайн шаклда ариза қолдириш ҳамда тўлов-шартнома онлайн қабул қилиш имконини берувчи <https://kontrakt.edu.uz> ахборот тизими ишга туширилди. Мазкур ахборот тизими Давлат тест маркази базаси билан интеграция қилинган ва абитуриентлар тўлов билан бўйича шартнома микдори автоматик равишда шакллантирилиши ҳисобига табақалаштирилган тўлов-шартнома микдорини белгилаш билан боғлиқ коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қайд этилганидек, олий ва ўрта махсус таълим тизимида очкиклик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида 2021 йилдан бошлаб йўлга қўйилган амалиётга кўра, ҳафтанинг жума кунининг иккинчи ярмида жисмоний ва юридик шахслар, таълим соҳасига бефарқ бўлмаган кишилар билан вазиrнинг юзма-юз мулоқоти йўлга қўйилди.

Эшитишда соҳадаги ютуқлар эътироф этилиб, тизимда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида ўз ечимини қўйиб турган масалалар борлиги таъкидланди. Масалан, соҳада ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ишлаб чиқилган тартибнинг ижросига етарли эътибор қаратилмаганиги, коррупциявий жиноятлар содир этилганлиги аниқ кўриниб турган бўлса-да, улар юзасидан ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларга хабар берилмасдан қолган ҳолатларга ургу берилди.

Соҳада коррупциявий жиноятларни содир қилиш да-

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ

## У нималарга боғлиқ?

Илм-фан — ҳар қандай давлатни ривожланишга етакловчи асосий куч ҳисобланади. Давлатнинг равнақини фан тараққиёти орқали баҳолаш жуда ҳам ўринли, десак, муволага бўлмайди. Шу боис Ўзбекистон учун илм-фан тараққиёти фаворонлик ва барқарорлик йўлидаги муҳим қадамлардан бирidir. Конституциямизда давлат жамиятнинг илмий ва техникавий ривожланишига гaмхўрлик қилиши бежиз қайд этилмаган. Тарихдан ўзбек жамиятида илмга ҳурмат ва эҳтирoм аънъана сифатида сақланиб келган. Буюк бобокалонимиз Имом Бухорий айтганларидек, “дунёда илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлмағай”.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 30 мингдан кўп шахслар илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланади, уларнинг 27 мингдан ортиғи олий маълумотга эга. Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг салмоқли қисми ижтимоий харажатларга, шу жумладан, таълим ва илм-фанга сарфланади. 2021 йилда мамлакат бюджетидан фақат инновацион ривожланиш ва новаторлик гоъларини қўллаб-қувватлаш, объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун 239 миллиард сўмдан ошмиқ маблағ ажратилди. 2022 йилда бу кўрсаткич 671 миллиард сўмдан ортиқни ёки Давлат бюджетни харажатларининг 0,39 фоизини ташкил этади.

### Таҳлил ва тақлиф

Ўтган тўрт йил давомида 28 та илмий ташкилот ва 4 та инновацион технопарк очилди. Олимларнинг маоши уч баравар кўпайди. Соҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини янгилашга катта маблағлар сарфланди. Давлат илмий тадқиқот сиёсатининг муҳим иштирокчиси сифатида 28 та илмий-тадқиқот муассасаси ва 4 та давлат музейини ўз ичига олган Ўзбекистон Фанлар академиясининг фаолияти тақомиллаштирилди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазиrлигига асос солинган инновацион гоълар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида муҳим қадам бўлиб, ушбу йўналишда салмоқли ишларни амалга оширишга хизмат қилди. Хусусан, вазиrликнинг Беовосита кўмағи билан 2018 — 2021 йилларда 342 та илмий ишларни тижоратлаштириди. Натижада 151,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 128,7 миллиард сўмлик сотилди.

Умуман олганда, сўнгги йилларда илм-фан ва инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 2018 — 2021 йилларда илмий-инновацион фаолият соҳасида 2 та қонун, Президентнинг 5 та Фармони ва 26 та қарори, Вазиrлар Мақамасининг 35 та қарори ва 7 та фармойиши қабул қилинди.

Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича эришилган ютуқларга қарамай, хали ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Айниқса, бугунги кунда глобаллашув ва рақамлаштириш даврида айнан инновацион ёндашув мамлакат муваффақиятига замин яратади. Бундай ёндашувни фақат илм-фан ютуқлари туфайли қўллаш мумкин, шунинг учун илм-фан тараққиёти давлатнинг инновацион ривожланишининг муҳим таркибий қисмидир.

Илм-фан муаммолари иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, ижтимоий соҳанинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга беовосита таъсир этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида 19 кўч йўналиш ривожлантириш йўлидаги маъруза тўғрисида алоҳида белгиланди. Иқтисодий реал сектори корхоналарининг илм-фанга эътибори юқори эмаслиги, илмий тадқиқот ўтказадиган жамоалар ўртача ёшнинг катталиги, илм-фан ва илмий фаолиятга молиявий ресурсларнинг етарли даражада йўналтирилмаётгани шулар жумласидандир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш муҳим бўлиб, ҳар томонлама ва чуқур ўйланган чоралар қўришни талаб этади.

### Диссертация ҳимояси ва илмий-педагогик фаолиятдаги муаммолар

Замонавий илмий-педагогик кадр — бу ўз иши билан долзарб муаммони таҳлил қилгани ва ушбу муаммонинг самарали ечимларини илгари сурадиган тадқиқотчи. Бундай таъриф олимнинг ўзидан ҳалоллик ва меҳнатсеварликни талаб қилади. Илм-фаннинг замонавий ривожланиши шартинда ушбу таърифнинг долзарблиги шубҳа қолмайди.

Бугунги кунда илмий ва педагогик фаолиятни амалга оширишда бўлажак тадқиқотчи бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Улардан биринчиси — долзарб тадқиқот мавзусини танлаш. Афсуски, ҳамма ҳам бунга эътибор бермайди. Аслида, тадқиқот мавзусининг тўғри танлангани муваффақиятнинг калити ҳисобланади.

Танланган тадқиқот мавзусининг таҳлили, асосан, эскирган ёки ахамиятсиз бўлган тадқиқот мавзуларининг ҳали-ҳамон мавжудлигини кўрсатмоқда. Айрим мавзулар кўпроқ рефератлар мавзусига ўхшабди. Баъзида тадқиқотчилар мавзу номига тузатишлар киритишга мажбур бўлишади. Жумладан, тадқиқот мавзулари чоп этилиши лозим бўлган Вазиrлар Мақамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг йўл-нарсаларида тадқиқот мавзуси номидаги ўзгаришларни билдириш учун алоҳида саҳифалар ажратилади. Баъзи мавзуларнинг номилари уч-тўрт марта ўзгаради.

Табиий савол туғилади: бундай ўзгаришларнинг сабаби нима? Нима учун тадқиқотни амалга ошириш босқинида мавзунинг ўзгаришига эҳтиж вужудга келади? Бу саволларга жавоблар турлича бўлиши мумкин.

Иккинчи муаммо — илмий фаолият билан боғлиқ жараёнларда ортиқча расмиятчиларнинг мавжудлиги. Юқорида айтиб ўтилганидек, тадқиқот мавзулари махсус йўл-нарсаларда эълон қилиниши керак. Акс ҳолда, мавзу тадқиқотчи раман бириктирилмаган ҳисобланади. Ҳар қандай ўзгариш, ҳатто таҳририй ўзгаришлар ҳам ушбу йўл-нарсаларда акс этиши лозим. Худди шундай диссертацияни ҳимоя қилиш учун режалаштирилган ҳимоя ҳақидаги хабар ҳам Вазиrлар Мақамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг веб-сайтда эълон қилиниши керак. Баъзи тадқиқотчилар диссертацияни ҳимоя қилиш тўғрисидаги хабарни нашр

эти билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда (диссертация матни ва авторефератни белгиланган талабларга мувофиқ тўғри расмиллаштириш талаб этилади).

Расмиятчилик жараёни айрим ҳолларда илмий кенгашлар ва талабгорлар орасидаги муносабатларда ҳам кузатишмоқда. Қоида тариқасида, кенгашга талабгорнинг ҳужжатларини тақдим этиш аънъанавий усулда амалга оширилади. Илмий баҳс-мунозара майдони бўлган илмий кенгашлар фаолияти, хусусан, баённома юритилиши ва турли расмиятчиликка риоя қилиниши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам рақамлаштириш орқали соддалаштирилиши мумкин.

Учинчи муаммо — илмий кенгашларнинг нисбатан заиф ўрни. Ишнинг асосий қисми мазкур кенгашлар фаолият кўрсаткичлари университет ёки илмий ташкилотда тежирибасида, диссертация ҳимояси бўйича якуний қарор Вазиrлар Мақамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланади. Шу ўринда университетлар ёки илмий ташкилотларнинг мустақиллигини ошириш, уларнинг тадқиқот сифати учун жавобгарлигини мустаҳкамлаш масаласини уйлаб қўриш керак. Албатта, бунда илмий кенгашлар фаолияти устидан мониторинг олиб бориш механизмлари яратилиши, очкиклик ва шаффофлик таъминлаши лозим.

Илмий кенгаш фаолиятида маънафатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳам муҳим вазифа саналади. Айниқса, тақризчи ёки расмий оппонентларни белгилаш, илмий тадқиқот ишнинг муҳокама қилиш ва ҳимоянинг кейинги босқичларига тавсия қилиш масалаларида ахборот технологияларини қўллаш орқали маънафатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсада мувофиқдир.

